


VI.КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг фаолияти учун қулай муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар натижасида 2019 йилнинг январь-июнь ойларида 5229 та кичик бизнес субъектлари (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз) ташкил этилиб (2018 йилнинг шу даврига нисбатан 95,5 % кўпдир), уларнинг сони 34458 тага етди.

2019 йил 1 июль ҳолатига вилоятимизда фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг сони 29284 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич ўткан йилнинг шу даврига қараганда 21,9 % га ошган. Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми, яъни 3392 таси (11,6 %) Зангиота, 2772 таси (9,5 %) Қибрай, 2137 таси (7,3 %) Тошкент, 1611 таси (5,5 %) Ўртачирчиқ туманлари ҳамда 1810 таси (6,2 %) Ангрен, 1686 таси (5,8 %) Чирчиқ шаҳарлари ҳиссаларига тўғри келади.


• Энг катта улуши	• Энг кичик улуши
Зангиота тумани 11,6 %	Пискент тумани 2,6 %
Қибрай тумани 9,5 %	Нурафшон шаҳри 2,5 %
Тошкент тумани 7,3 %	Чиноз тумини 2,5 %
Ангрен шаҳри 6,2 %	Оҳангарон шаҳри 2,4 %
Чирчиқ шаҳри 5,8 %	Окқўрғон тумани 2,4 %
Ўртачирчиқ тумани 5,5 %	Оҳангарон тумани 2,2 %

**Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг
иктисодий фаолият турлари бўйича улуши, %**




2019 йил 1 июль ҳолатига вилоятимизда янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг сони 5229 тани ташкил қилган. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қараганда 2555 тага ёки 95,5 % га ошган.

**Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектларининг йиллар
кесимида сони, бирликда**



**Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектларининг
йиллар кесимида ўсиш динамикаси, 1 июль ҳолатига %да**



**Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг
иктисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши
2019 йил январь-июнь ҳолатига (жамига нисбатан %да)**



Энг кўп кичик бизнес субъектлари савдо соҳасида (жами ташкил этилган субъектларнинг 37,7%), саноат (22,2%), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида (10,1%) ва қурилишда (9,9 %) ташкил этилган.

2019 йилнинг январь-июнь ойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан:

2019 йил январь-июнда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 51,3% (2018 йил январь-июнда 55,1%) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 6283,9 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 25,5 %) ёки 2018 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан ўсиш суръати 121,4 % ташкил қилди;

- 7381,3 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиklarининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 99,1% (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиklари ялпи маҳсулотининг 94,8 %) ташкил қилди;

- 1792,8 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 22,4 %) ўзлаштирилди ва 2018 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан 93,7 % ташкил қилди;

- 972,9 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 53,0 %) бажарилди ва 2018 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан 129,0 % кўпайди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг 108,3 % (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 59,7 %), йўловчи айланмасининг эса 101,9 % (умумий йўловчи айланмасининг 96,5 %) кўпайиши таъминланди;


- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 90,9 % ёки 7804,4 млрд. сўм (ўсиш 105,8 %) ва хизматлар умумий ҳажмининг мос равишда 70,7 % ёки 4273,6 млрд. сўми (ўсиш 103,2 %) шакллантирилди;

- 189,3 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 20,1) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 605,0 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 46,2 %) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

2019 йилнинг январь-июнь ойларида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши

	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм</i>	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида</i>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	7381,3	94,8
Саноат	1012,8	16,1
Қурилиш	972,9	53,0
Чакана савдо	7804,4	90,9
Юк ташиш, млн т	25,0	26,5
Йўловчи ташиш, млн.киши	305,9	90,6
Экспорт, млн. АҚШ долл.	189,3	х
Импорт, млн. АҚШ долл.	605,0	х

Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши (умумий ҳажмга нисбатан % ҳисобида)



	ЯҲМ	Саноат	Қишлоқ хўжалиги	Савдо	Қурилиш	Инвестиция	Хизматлар
■ 2019 йил январь-июнь	51,3	25,5	94,8	90,9	53,0	22,4	70,7
■ 2018 йил январь-июнь	55,1	17,8	97,1	89,7	55,8	45,8	74,5